



**ООО "XB FINANSE KONSULTING"**  
**АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ**

**«MULK» АЖ нинг 2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботига ижобий фикр билдирилган**

**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

**«MULK» АЖ  
раҳбариятига**

**Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:**

**МЧЖ «XB FINANSE KONSULTING»**

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал даҳаси 11/12. Телефон 252-37-04, Факс: +998 71 150-23-01. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.05.2005 йилда № 321 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 11.04.2019 йилда берилган «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалдан оширишга рухсат берувчи -серия АФ № 000809 Лицензияга эга.

Хисоб рақами: 2020 8000 6044 0871 2001 ХАТБ «DAVR BANK», Коды-01046, СТИР 205666530, ИФУТ 69202.. email: XB.Finanse-konsultin@[mail.ru](mailto:XB.Finanse-konsultin@mail.ru).

Аудиторлик ташкилоти директори: Рузимов Мансурбек Султанович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган №05540 аудитор малака сертификатига эга.

**Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:**

**«MULK» АЖ**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Юнусобод туман Хокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 11.08.2014 йилда № 10-000431сонли тартиб рақами билан қайтатдан рўйхатдан ўтган ва гувоҳнома олган.

Хисоб рақами 20208000100658793001, Тошкент шаҳар УзПСБ Мирзо Улуғбек туман филиали, МФО 00399, ИФУТ: 66300; ИНН: 202160135.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Зарафшон кўчаси, 21-уй..

Корхона раҳбари: Акрамов Александр Эргашевич

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «XB FINANSE KONSULTING» аудиторлик ташкилотининг аудитори Рузимов Мансурбек Султанович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган №05540 аудитор малака сертификатига, аудиторлик ташкилоти билан «MULK» АЖ ўртасида 20.08.2020 йилдаги 01/44-20 сонли шартнома сонли шартномага асосан «MULK» АЖ нинг 01.01.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача бўлган даври учун тузилган «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2 -шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «MULK» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи «MULK» АЖнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.



**МЧЖ шаклидаги «XB FINANSE KONSULTING»  
Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор:**

**М.С. Рузимов.**

**Хулоса тузилган сана:**

**28 август 2020 йил**